
“Янги Ўзбекистон – инсон қадри улуғланган юрт”

“Янги Ўзбекистон – инсон қадри улуғланган юрт” шiori остида маънавий-маърифий тадбирлар доирасида бир гуруҳ маданият ва санъат намоёндалари Данғара туманига ташриф буюрди. Ташрифнинг илк кунида таниқли санъаткорлар, маданият ва санъат ходимлари, маънавият тарғиботчилари ва ёзувчи шоирлардан ташкил топган гуруҳ туманнинг Тумор МФЙ ҳамда Боғиш МФЙ аҳолиси билан учрашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда Давлат Дастурида акс этган “Инсон қадри учун” тамойили ва дастурда белгиланган ислохотлар мазмун моҳияти ҳақида иштирокчиларга атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, тадбир давомида таниқли санъаткорлар томонидан куй қўшиқлар ижро этилди.







2022-05-31 08:43:55